

Россия Президенти Ўзбекистон халқини Наврўз байрами билан табриклади



21 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида Россия Президенти давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқини баҳор ва янгиланиш байрами – Наврўз билан самимий табриклаб, фаровонлик ва равнақ тилади.

Етакчилар мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги билан ҳам бир-бирини чин юракдан қутладилар.

Кейинги йилларда Ўзбекистон-Россия ҳамкорлиги мисли кўрилмаган юксак – стратегик шериклик ва иттифоқчилик даражасига чиққани мамнуният билан таъкидланди.

Амалий ҳамкорликнинг самарали механизмлари фаолият юритмоқда, унинг энг муҳим йўналишлари бўйича яқин мулоқот йўлга қўйилган. Товар айирбошлаш барқароршиб бормоқда. Ўтган йил якунида ўзаро савдо кўркаткичи 7,5 миллиард долларга етди, жорий йил бошидан эса 50 фоизга ортди.

Устувор инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Россиянинг мамлакатимиз иқтисодиётига инвестициялари ҳажми қарийб 10 миллиард долларни ташкил этмоқда. Икки мингдан зиёд қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Россиянинг нуфузли делегацияси шу ҳафта пойтахтимизда бўлиб ўтадиган Тошкент Халқаро инвестиция форуми ишида иштирок этиши кутилмоқда.

Фаол маданий-гуманитар алмашинув давом этмоқда.

Мулоқотда савдо, инвестициялар, саноат кооперацияси каби муҳим соҳаларда, шу жумладан Ўзбекистон ва Россия ҳудудларининг етакчи корхоналарини жалб қилган ҳолда кўп қиррали икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш истиқболлари муҳокама қилинди.

Икки мамлакат вазирлик ва идораларининг олий даражада эришилган келишувларни кенг қўламда

амалга ошириш бўйича фаол алоқалари ва ўзаро мувофиқлашган ишини давом эттириш муҳим экани қайд этилди.

Минтақа ва халқаро кун тартибидаги масалалар, шу жумладан Украина атрофида юзага келаётган вазият юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Россия Президентларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек дўстона ва ишонч руҳида ўтди.

Манба